

# **Банд бўлмаган хотин-қизлар гилам тўкиш ишларига жалб қилинади**



Термиз тумани ҳокимлиги Маҳаллабай ишлаш маркази томонидан маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда ишсиз хотин-қизлар учун туманнинг “Орол” маҳалласида жойлашган “Остона гилам” оиласиий корхонасида семинар ташкил этилди.

Ушбу оиласиий корхонада жундан туркман миллий гиламлари тўқилади. Ҳомашёси эса шу ернинг ўзида тайёрланмоқда ва корхона томонидан маҳалладаги кўпчилик хотин-қизлар бандлиги таъминланган. Корхона томонидан хунар ўрганиш истагидаги барча хотин-қизларга гилам тўкиш сирларини бепул ўргатиш йўлга қўйилган бўлиб, гилам тўкишни яхши ўзлаштирган хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳам назарда тутилган.

Шу мақсадда корхонада касб ўрганиш ва ишлаш истагида бўлган хотин-қизлар учун “Очиқ эшиклар” куни ўтказилиб, корхонанинг иш фаолияти ва гилам тўкиш жараёнлари таништирилди. Келгусида касб ўрганиш ва ишлаш истагида бўлган хотин-қизлар учун корхона билан ҳамкорликда ўқув курслари ташкил этилади ва ишлаш истагида бўлган хотин-қизлар бандлиги таъминланади.









